


6-20-2019

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ALP SYSTEM AND THE IMAGINATION OF SOKHIBKIRON

Ilhom Sayitqulov Teacher

Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Sayitqulov, Ilhom Teacher (2019) "COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ALP SYSTEM AND THE IMAGINATION OF SOKHIBKIRON," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 21.

DOI: 10.36078/987654345

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss2/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Илхом Сайитқулов

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

АЛПЛИК ТИЗИМИ ВА СОҲИБҚИРОНЛИК ТАСАВВУРЛАРИ- НИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада қаҳрамонлик дostonларидаги алплик тизими ва халқ китобларидаги соҳибқиронлик тасаввурлари қиёсий таҳлил қилинган. “Алпомиш” ва “Гўрўғли” дostonларидаги алплик тизими “Темурнома” асаридаги соҳибқиронлик тасаввурлари билан ўзаро қиёсланган ва умумий хулосалар тақдим этилади. Амир Темур ўзининг кўп қиррали истеъдоди, ақл-заковати билан ўзбек халқини ва давлатчилигини жаҳонга танитди. Соҳибқиронликка лойиқ сиймолар жаҳоншумул салтанат эгаси, буюк маънавият соҳиби, баркамол инсон бўлиши лозим. Баъзи манбаларда олти нафар соҳибқирон яшаб ўтганлиги қайд этилади. Амир Темур ва унинг ворислари даври тарихига оид асарларда, чунончи, Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида соҳибқиронликка боғлиқ ривоят келтирилади ва дунёда уч нафар соҳибқирон ўтгани эслатилган. “Соҳибқирон” Амир Темурнинг шарафли унвони ҳисобланади. У “соҳиб” ва “қирон” сўзлари қўшилишидан ясалган. Форсий “соҳиб” туркийда “эга” маъносини англатади. Арабча “қирон” сўзи эса илму нужумда Зухра ва Муштарий сайёралари эллиптика даврининг маълум бир даражасида тўқнаш келиши вақтини билдиради. Бу пайтда туғилган бола келажакда бахтли, ғолиб, музаффар ва улғу мартабали бўлиши башорат қилинган.

Таҳлиллар асносида аждодларимиз бадий тафаккурига хос жиҳатлар – алплик тизими ва соҳибқиронлик тасаввури ёритилган.

Калит сўзлар: алплик, соҳибқиронлик, дoston, халқ китоби, фольклор, эпик тафаккур.

Ithom Sayitqulov

Teacher, Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ALP SYSTEM AND THE IMAGINATION OF SOHIBKIRON

ABSTRACT

The present paper examines heroic system in oral epics and notion about 'sohibqironlik'. The article compares heroic system in 'Alpamysh', 'Gurugli' and meaning of sohibqironlik in 'Timur-name'. Amir Temur who was respected statesman named as a Sohibqiron and introduced Uzbek people to the world by his considerable ability and great wits is revered as a national hero in Central Asian history. Only a few sultans are found to be worthy this honour. That is to say, five King and their dynasty are admitted as a Sohibqiron. Three Sohibqiron were noted in certain historical books for instance, 'Timurname' by Salohiddin Toshkandiy. The book illustrates amount of folktales and legends concerning Sohibqiron. The term of 'Sohibqiron' divides into two part. From Persian 'sohib' indicates 'ega' (owner) in Uzbek-Turkish language. From Arabian 'Qiron' indicates the term of collision two star Zuhra and Mushtariy (Venus and Jupiter). Infant who was born in this period of time was predicted to be triumphant, prosperous and lucky. The paper analyzes principal properties our forefather's mindset, system of heroism, and Sohibqironlik.

Key words: Alplik(heroism), Sohibqironlik, (Sakhibkiran-owner of the brightest star), epic, folk book, folklore, epic mindset.

КИРИШ

Соҳибқиронлар тарихнинг ибратли, шонли қаҳрамонларидир. Алплар эса халқнинг этнос ҳаётида муҳим рол ўйновчи пассионар шахсларнинг бадиий-рамзий образларидир. “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларида бу тизимнинг етакчи белги, хусусиятлари аниқ акс этган. Шундай экан, бу дostonларда куйланган эпик воқелик замирида халқимизнинг бутун борлиқ тартиби, олам, ундан жой олган кучлар ва одамнинг ўрни, вазифаси ҳақидаги кўҳна дунёқарашлар, тасаввур-тушунчаларнинг бадиий талқинларини кўрамиз [Ўзбек фольклоршунослиги, 2017; 508–520].

Алплик мезонлари сифатида ажратиб кўрсатилган бу тизимнинг етакчи хоссаларини объектимиш – “Темурнома” жангномасида бадиий талқинга эга соҳибқиронлик тасаввурига қиёсан ўрганилса, нафақат “Темурнома” жангномаси, балки бутун Шарқ халқлари бадиий, фалсафий, тарихий тафаккуридаги соҳибқиронлик тизими ойдинлашади. Натижада, “Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тушунчасининг бадиий талқинлари мукамал кўриниш олади.

ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ

Ушбу тадқиқот ишида қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик методлардан фойдаланилди.

МУЛОҲАЗА ВА НАТИЖАЛАР

“Темурнома”даги соҳибқиронлик тасаввурини Ш.Турдимовнинг “Гўрўғли” ва “Алпомиш” дostonлари асосида аниқлаган алплик тизимининг етакчи хоссаларига асосан ўрганиш муайян натижаларга эришишга имкон берди [Ўзбек фольклоршунослиги, 2017; 508–520].

Бўлажак қаҳрамоннинг туғилмасданок “танланган”, яъни ҳомий-эранлар назарида бўлиши. Илк кўринишда тўғридан тўғри илоҳий ҳомила меваси эканлиги. “Темурнома”да бу ҳолат “Аввалги дoston. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни” боби – дostonида ўз аксини топган. Жумладан, бу боб (дoston)да Тегина бегим таърифини Садр аш-шаърият¹ Тарағай Баҳодирга унинг чўпони орқали туш воситасида билдиради: “*Тарағай Баҳодир – И.С.) Шаҳрисабзда ов қилиб юрур эрди. Бир кийик келиб қўйлар рамасига ўтти. Ногоҳ қўйларни кўрса, ҳар тарафга қочиб, ҳуркуб юрур. Қўйларни ичида бир қашқир турур. Филҳол, бўрини ўқ бирла урди. Қўйчини уйқудин тургузуб, зажр қилди. Қўйчи айди: “Мендин қоҳимагил, сенинг сабабингни тушумда кўруб эрдим” Тўрағай баҳодур айди: “Нима кўрдунг?” Чўпон айди: “Яшил кийимлик киши келиб нидо қилдики, Тўрағайга айтгил, Шайх ул-аълам қошларига борсун, Садр аш-шаъриятнинг қизларини олсун, мундин бир соҳибқирон ўғул пайдо бўлур”*[Темурнома, 1990; 43 – 44].

Тегина бегимнинг соҳибқиронни дунёга келтириши эса асарда қуйидагича

¹ Бу шайх тарихда Амир Темурга она томондан бобо ҳисобланиб, “Темурнома”да бу образига халқ дostonларидаги пир ва эранлар зиммасидаги вазифа юклатилган.

башорат қилинади: *“Бухорои шарифда Садр аш-шаърият соҳиби шарҳи вуқоии ўшул асрнинг муллоси эрдилар. Бир кун дарс айтиб ўлтуруб эрдилар бир қаландар келди. Айди: “Тегина бегим моҳ деган қизни кувёвга беринг, андин бир ўгул туғуладур, ани жаҳонгир ва соҳибқирон дерлар”.* *“Эй девонаи телба, қайдин бўлурсан”, дедилар. Қаландар айди: «Асрори зойибни билурман»* [Темурнома, 1990; 3]

1. Бу эса Амир Темурнинг ҳали туғилмасдан, ота-онасининг тўйидан аввал “жаҳонгир ва соҳибқирон” дея ғайб олами вакиллари томонидан танланган шахс сифатида башорат қилиниши алплик тизимининг биринчи сифатига мос тушишини кўрсатади.

2. **Бахтли юлдуз остида туғилувчи бўлажак қахрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт коҳинларининг кароматлар қилиши.** “Темурнома”да қахрамон туғилишидан то вояга етгунига қадар мавжуд воқеликда соҳибқирон толеъи тўғрисида нафақат душманлари, балки ўз юртидаги турли муқаддас китоблар, қаландарлар ва шайхлар томонидан ҳам башорат ва каромат қилинади. Шу нуқтаи назардан асардаги бахтли юлдуз остида туғилувчи соҳибқирон ҳақидаги башорат ва кароматларни уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.1 Бўлажак қахрамоннинг бахтли юлдуз остида туғилиши. Халқ орасида ҳар етти кавқаб толеъи саратонда жадий буржида маъитда бўлса, қирон бўлиб, шундай вақтда туғилган ўғилнинг толеъи баланд бўлиши башорат қилинади. Чунки бу пайтда Тангри таборак ва таоло оламини яратганлиги таъкидланади. Амир Темурнинг тарихда эришган ютуқлари ва амалга оширган буюк ишларига айнан мана шу пайтда туғилганлиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Бу жиҳат “Темурнома”да ҳам ўз аксини топган. Жумладан, *“Айтибдурларким, уч ўгил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад расул ақром саллоллоҳу алайҳи васаллам саййидимиз, учинчи Амир Темур Қўрагон хонимиз ва бегимиздур, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди расул алайҳис саломгача саккиз юз йил, таваллуди Муҳаммад алайҳис саломдин таваллуди Амир Темургача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб жадий даражасида бўлгандурлар”* [Темурнома, 1990; 49].

Демакки, мусулмон шарқи мунажимлари, тарихчилари, уламоларининг фикрига кўра, маълум етти юлдуз (планета) саратон ойида жадий¹ буржида қирон бўлган (самода бир чизикда тизилган) вақтда туғилган фарзанднинг толеи баланд бўлади. Ҳисоб китобларга кўра, Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ва Амир Темур ҳар саккиз юз йил ораликда, айтилган даврда дунёга келган – “танланган” шахслар ҳисобланади.

Қахрамоннинг туғилиши ҳақидаги башоратлар. Асарда Соҳибқирон туғилиши ҳақида бир неча ўринларда турли воситалар орқали башоратлар қилинади. Жумладан, Садр аш-шаърият Тарағай Баҳодир чўпонининг тушида унга Бухорога келиши ва Тегина бегимга уйланиши хабарини етказгач, Тарағай

¹ Тоғ эчкиси буржи

Баҳодирнинг Садр аш-шаърият олдига бориб, у билан кўришиш саҳнаси куйидагича тасвирланади: *“Андин Бухорои шарифга етгач (Тарағай Баҳодир – И.С.), тўғри Шайх ул-аъламни олдиларига кириб келди. Шайх ул-аъламни кўрди, сўфилар халқасида муроқабдада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул-аълам бошларини кўтариб, айдилар: “Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси”* [Темурнома, 1990; 4].

1.2. Бундан англашиладики, асарда илк бора Шайх ул-аълам Соҳибқироннинг туғилишини каромат қилади.

Соҳибқироннинг туғилиши ҳақидаги иккинчи башорат Тегина бегимнинг кундоши – Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини Йўқун хонимнинг тушида куйидагича аён бўлади: *“Тегина бегим моҳ этакидин қуёи тулуғ қилиб, Маширқдин Мағрибга боруб тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сарига майл қилди”* [Темурнома, 1990; 47].

Кўрган тушини таъбир қилдириш учун қули Мойдунни Самарқандда машҳур таъбирчи Сабулак ота олдига юборади. Сабулак ота бу тушни: *“Тарихнинг етти юз ўттиз бешида бир ўғули соҳибқирон вужудга келадур. Гумон қилурман, тулуғи Кавкабнинг вақтига қарагонда яқиндурким, ул ўғул онадин ер юзига туғулур соҳибқирон бўлуб, етти иқлимни олгай, анинг авлоди саккиз юз йил салтанат сургай”* [Темурнома, 1990; 43-44] – дея таъбир қилади. Йўқун хоним Тегина бегимни ўлдириш режасини тузади ва буни амалга ошираётганда эранлар кўмакка келади. Ҳомийлар Тегина бегимни ҳомиласи билан бирга қутқариб, душманни ҳалок этади. Шундай қилиб, Соҳибқирон туғилишига Йўқун хоним кундошлик важдан қаршилик қилиши оқибатида Амир Темур отасидан ўн икки ёшига киргунига қадар айро яшайди.

Қаҳрамоннинг туғилгандан сўнг у ҳақида душман юрт кохинларининг башоратлари. “Темурнома”да Амир Темур туғилиб, олти ойлик бўлгач, *“иқболин қуёи рубъ ул-маскунга таъсир қилиб, ҳар гўшада овозаи ва ҳар шахрда ҳангомаи беадад бўлаберди”* [Темурнома, 1990; 49]

Асарда етти иқлим подшолари соҳибқироннинг туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топишгани акс этади. Бу воқеалар “Темурнома”нинг *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”* [Темурнома, 1990; 49 – 50] бобида (достон) баён этилади. Жумладан, ўша пайтда Рум мамлакатлари халифаси Елдирим султон Боязид бўлиб, етти иқлим султонлари унинг қиличи зарбидин кўрқар, у ўзини “халифат ул-муслиҳиндурман” деб атарди. Кунлардан бир кун у овга чикқанда, бир тоғ бағридаги ғорни кўриб қолади. Ҳамроҳлари унга бу ғорда Искандар туғилганлиги ва амир, султонларнинг бу ерни зиёрат қилишлари ҳақида маълумот беради. Қайсар ҳам кириб зиёрат қилаётганда, бир лавҳага кўзи тушади. Лавҳада *“Искандар Зулқарнайн таваллудидин саккиз юз йил ўтгандин кейин расул акрам саллаллоху алайҳи вассалом таваллуд бўлурларидин саккиз юз йилдин кейин шахсе таваллуд бўлгайким, ер юзини ва кун кўзини олгай, салотинларни забун қилгай, бу ёзилган Аристотелис деган ҳакимни хатидур”* [Темурнома, 1990; 50] деган жумлаларни ўқийди ва атрофдагиларга унда башорат қилинган

туғилажак шахс ўзи эканлигини таъкидлайди. Сўзини тасдиқлатиш учун қўл остидаги ҳақими Абулмуфохирга юзланганда, “*ман ҳикмат китобларида кўрдимким, шу бу йил Мовароуннаҳрда бир ўғул туғулмишидур, они Искандари соний дерлар, Вилояти Рум онинг тахти ихтиёрида булур, Қайсару Рум анга асир булғай*” [Темурнома, 1990; 50] деган жавобни олади. Сўнгра у Баёнқулихонга нома ёздириб, Абулмуфохирни элчи сифатида юборди ва туғилган болани ўлдиришни тайинлайди. Демак, Амир Темурнинг туғилганлиги Рум подшосига гордаги лавҳадан аён бўлади.

Қаҳрамон туғилганидан сўнг у ҳақида иккинчи бўлиб, Боғдод маликаси Дилшод хотун хабар топади. Ўша пайтда Чақимний деган ҳақим Боғдодга келган эди ва унинг машҳур бир ҳикмат китоби бор эди. Дилшод хотун ҳеч кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бир қаср бино қилдириб, у қасрга ҳақимни чақиртиради, аммо ҳақим келмайди. Ҳақим хабарчига малика тезда у қасрдан чиқишини, қасрнинг вайрон бўлажagini айтади. Аммо малика қасрнинг мустаҳкамлигига ишониб, ундан чиқмайди. Ўшал кечаси қаср қулаб тушади. Дилшод хотун вайрона орасидан минг машаққат билан чиқиб, Чақимнийдан бунинг сабабини сўраганда: “*Мовароуннаҳрда бу кеча бир ўғул туғилмишидур, ул соҳибқирон бўлур, қасри толеъимиз анда бунёд бўлгондур. Мезон уйи шамолдур, анинг иқболидин бу қаср йиқилибдур*” [Темурнома, 1990; 51] – дея жавоб беради. Ва вақти келиб соҳибқироннинг малика юртини эгаллаши ҳақида башорат қилади. Дилшод хотун ҳам Қайсар сингари ҳақимни болани ўлдириш учун Бухорога элчи қилиб юборади.

Қаҳрамон туғилганидан сўнг у ҳақида учинчи бўлиб, Шох Шужоъ хабар топади. У тушида осмондаги қуёшнинг Мовароуннаҳрга тушганлигини кўради. Бунинг таъбирини ҳақимлардан сўраганда “*Мовароуннаҳрда соҳибқирон туғулуб, хуруж қилғай*” [Темурнома, 1990; 51] – деган жавобни олади. У ҳам тушини таъбир қилган ҳақимни ўша мақсадда Бухорога элчи қилиб юборади.

Қаҳрамоннинг туғилганлигини эшитиб, тўртинчи бўлиб Ҳиндистон, бешинчи Фаранг, олтинчи Хитой ва. Демак, “Темурнома”да соҳибқироннинг туғилганлиги ҳақида душман юрт подшолари еттинчи Тотору ўрис подшолари ўз ҳақимларини Бухорога, болани ўлдириш учун элчи қилиб юборади. Асарда уларнинг бундан қандай огоҳ бўлганликлари кенг ёритилмаган ўз ҳақимлари (коҳинлари) томонидан хабар топишади. Ва қаҳрамонни йўқ қилиш учун ҳаракатларини бошлашади. “Темурнома”да соҳибқироннинг туғилганлиги ҳақида етти мамлакат подшоларининг хабар топиб, уни йўқ қилиш чорасини кўрганлари анъанавий еттилик тизимига уйғун тасвир топаётганини кўрамиз. Бу адабий усулни мавжуд воқеликни янада муболағавий кўрсатишга хизмат қилувчи бадиий восита сифатида баҳолаш ўринли. Халқ эпосида, хусусан, “Гўрўғлининг туғилиши” достонида биргина Зангар шохининг туш кўриши ва курандознинг таъбири орқали алпнинг дунёга келиши айтилади, холос. Демакки, халқ китобида маълум ахборотлар талқинида муболағавий талқин этиш ҳолати анъана даражасига чиқишини кузатиш мумкин.

1.3. Маълум эран ёки пайғамбарнинг соҳибқирон дунёга келиши

муддатини башорат қилиниши, унга тегишли тухфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши. Бу воқеа “Темурнома”нинг “Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртига бориб, Бароқхон номехрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилгонини баёни” [Темурнома, 1990; 154-164] боби(достон)да баён этилган. Хусусан, Бароқхон Жаҳонгир тўрани ўлдиргач, соҳибқирон Балхга бориб, Бароқхоннинг қўшинларини тормор қилади ва уни ўлдиради. Шундан сўнг Ҳиндистон сари юзланади. Йўлда кетаётганда қўшин олдида баланд тоғ кўринади, ундан ўтиш учун биргина сўкмоқ бор бўлади. Амир Темур йўл хавфсизлигини текшириш учун одам юборади ва улар қайтиб келиб, “*Эй тақсир афандим, бу тоғни орқасида бир зор кўрдук, анда тўрт мўлтони соҳир ўлтурур, мундин бошқа йўл йўқтур, агар мунди олдин ўтса зордин ели чиқуб, барчани ҳалок қилур, ҳеч кимда ҳад йўққим, бошқа йўл топиб ўтса*” [Темурнома, 1990; 159]. Амир Темур ҳақимлари билан келишиб турли тадбирлар қилади, лекин юборган одамларини ғордан чиққан иссиқ ҳаво ҳалок этаверади. Ғор оғзидан бир чуқур ковлаб унга тўлдириб сут қуйишади ва заҳар солишади. Ғордан “*ит сувратлиқ, арслон сувратлиқ аждарҳолар*” чиқиб сутни ичади ва беҳол бўлиб йиқилишади. Улардан кейин бир бўйи чинордек, йўғонлиги минордек, икки кўзи машъалдек ёниб, ранги қора, нафасининг захри оламни хароб қиладиган бир аждарҳо чиқиб, сутни ичади ва қайтариб қусади. Унинг бўйнида ниҳоятда чиройли, боши кизил, қуйруғи яшилга ўхшаш, орқаси билан қорни оқ бир илон бор эди. У барча аждарҳо ва илонларнинг султони бўлади. У Соҳибқиронга келиб салом беради. Ва “*Эй Амир Темур Соҳибқирон афандим, ман илонларни подшоҳи бўлурман, Сулаймон пайгамбар алайҳис саломни замонларидин бери бул зор ичра макон қилиб эрдим. Ҳазрат Сулаймон пайгамбар алайҳис салом манга айтиб эрдиларки, Муҳаммад пайгамбари охир замон умматларидин, анинг авлодидин – қизи Сайидадин туғулгон бир соҳибқирон бу ерга келур, бул зорда қанча олтун бор, сизнинг насибангиздур олинг, деди. ...Андин кейин ул илон барча аждарҳоларни бошлаб, тоғ узра чиқуб кетти*” [Темурнома, 1990; 159]. Шу тариқа асарда пайгамбар томонидан Амир Темур соҳибқироннинг туғилиши ва ўша ғорга келиб, насибаси бўлган олтинларни олиши башорат қилинган. Мазмун моҳиятига кўра сеҳрли эртақларга хос услубга эга бу тасвир усули “Темурнома”нинг бошқа ўринлари ва воқелар тасвирида ҳам кенг учрайди.

3 – 4. Қахрамон ота-онасининг “ўзга” (душман) юртда мажбуран яшаши. Душманларнинг доғда қолиб, қахрамоннинг ўзга юртда дунёга келиши улғайиб, ўз душман юртига қайтиб бориши. Алплик тизимида алоҳида бандлар сифатида олинган бу хоссаларни соҳибқиронлик тасаввурларида ягона кўринишга келтиришимизга сабаб “Темурнома”да Йўқун хоним (Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини) кундошлик важдан фитна қилиб, Тегина бегим ҳомиласи олти ойлик вақтида уни Тарағай Баҳодир юртидан кеткизиб, бола туғилиб, ўн икки ёшга киргунга қадар отасидан айро ҳолда яшаши сабабчи бўлади. Бу тарих тасвири жангноманинг “*Эмди Амир Темур Соҳибқиронни она-*

дин туғулмоқи воқеасини эшитунг” [Темурнома, 1990; 47-49] фасли ва “Достон: Етти ҳақим етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида” [Темурнома, 1990; 49-54] номли боб ва фаслларда ўз аксини топган. Бу ўринда боланинг ўз отасидан узоқ жойда дунёга келиши – худди Гўрўғлининг тақдирига ҳамоҳанг тарзда баён этилади. Шунингдек, унинг ўзга юртда, бегона одамлар тарбиясида улғайиши, ўзга халқ ичида ғулом сифатида танилиши – Гўрўғлининг отаси Равшаннинг қул қилиниши мотивига уйғунлик касб этади. Бу эса алплик тизими билан соҳибқиронлик тасаввури хоссалари ўртасидаги уйғунликнинг бу қадар яқин келишини кўрсатиш баробарида уларнинг ўзаро ягона дунёқарашга асосланишини яна бир бор тасдиқлайди. Аммо “Темурнома”да қаҳрамоннинг вояга етгунича бўлган воқеалар асосан бир маконда – Мовароуннаҳр худудидида кечиши айтилади. Чунки тарихий ҳақиқат жангнома тасвирида таянч ўрин тутди ва ровий ундан имкон қадар узоқлашмасликка интилади. Шундай бўлса-да, қаҳрамоннинг бир неча аждодлари яшаб ўтган даврда юртнинг душманлар томонидан бошқарилганлиги, уларнинг жабр-зулмидан халқнинг азият чекканлиги достон ва жангнома мазмун-моҳиятида рамзий ифода топган.

5. **Қаҳрамонга исм берилиши (икки исмли бўлиш).** “Темурнома”да бош қаҳрамонга нисбатан Амир Темур ва Соҳибқирон номлари параллел тарзда қўлланилади. Унга Соҳибқирон лақабининг берилиши достонда қуйидагича баён этилади: “*Андин Бухорои шарифга етгач (Тарагай Баҳодир – И.С.), тўзри Шайх ул-аъламни олдиларига кириб келди. Шайх ул-аъламни кўрди, сўфилар халқасида муруқабдада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул-аълам бошларини кўтариб, айдилар: “Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси”.* Аммо Амир Темурга Соҳибқирон лақабини Сайфиддин Шайх ул-аълам қўйгонлар. *Ҳануз туғулмасдин Соҳибқирон мазкур бўлди*” [Темурнома, 1990; 44]. Асарда қаҳрамоннинг туғилишида, шунингдек, гўдаклик чоғида душманлардан ҳимоя қилган Шайх ул-аълам (эран) Амир Темурга бу сифатни беради.

6. **Қаҳрамоннинг улғая бориши давомида алплик дардига йўлиқиши (бу муддат уч ёшдан етти ёшгача уч бора такрорланиши).** Алплик дардининг “танланган” – қаҳрамон ва “танловчилар” – хомий эранлар ўртасида бевосита мулоқот бошланганлигини билдириши. Алплик дарди қаҳрамоннинг ерда туғилиб, маълум маънода “ёввойилашган” руҳи ва бу руҳга макон бўлган таннинг эранлар иқлимига мослашолмай қаршилик қилиш жараёни эканлиги.

Алплик тизимининг бу хоссаси ҳам “Темурнома”да ўз бадий аксини топган. Лекин қаҳрамоннинг алплик дардига йўлиқиши уч ёшдан етти ёшигача эмас, ўн икки ёшида рўй беради. Бу асарнинг “*Эмди келдук бу мақолага: аҳволи Соҳибқиронга*” фаслида қуйидагича баён этилади: “*То сарҳадига етгунча ушоқ болаларни ўртасида салтанат русумин қилур эрди. Ҳар бачага бир мансабни муқаррар қилиб, ўзи амир бўлуб, ўзгаларни вазир, бакавул, яна ҳар ерга қоравул қилиб, аларга сипоҳлик илмини ўргатур эрди. Одамлар анга узоқ-яқиндин тамошо қилур эрдилар, ҳар кун ушбу одатда лаъбат ила ўйнар эрди... Яна бола-*

лар ўйнаб бирини гунаҳкор қилиб, Амир Темурни олдига келтурди. Буюрдиким, бу бола гунаҳкор бўлубдур, подшоҳлар каби ани жазога ижозат берди. Филҳол Соҳибқиронни нафасин таъсири бирла ушоқ болалар они йиғочга остилар. Ўшал ҳолда бу бола жон берди” [Темурнома, 1990; 56-57]. Бу эпизод “Гўрўғлининг туғилиши” достонида Гўрўғлининг болалигидаги хатти-ҳаракатлари ва Зангар шаҳри болалари билан ўйинлари тасвирига уйғун келади.

7. Эранларнинг ўз маконида қаҳрамон жисми ва руҳини илоҳий нур ва сув (шароб) билан тоблаб, эмлаб, “асов тулпор”ни жиловлаб, дардан халос этиши. Унга алплик сир-синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг рух – эранлар маконида алп сифатида қайта яралиши.

“Темурнома”да бу хусусият ўзгачароқ тарзда намоён бўлади. Биз буни куйидаги кетма-кетликда кўрсатсак, соҳибқиронлик тасаввурларини янада мукамал кўрсатган бўламиз:

1.1. Амир Темур туғилмасидан аввал, Тарағай Баҳодир Тегина бегим умидида Бухорога келганда, Шайх ул-аълам Баҳодирни эранлар ҳузурига юборади. Ва унга “*борғил, шаҳрдин таишқари мозори Файз Осор ҳазрат Айюб бордур, яна хонақоҳ бор. Анинг олдида булог бор (ул мозорни Абдулазизхон ибн Абдуллахон шаҳр кўргони ичра олиб эрди). Аммо хонақоҳ эшиги берк бўлса, зинҳор очмагил, булог ёқасида ўлтиргил, нима эшитсанг сукут қил. Андин кейин сўфилардин бири сани олдинга оёғ илгида, ўроғлиг бир нимарса келтурур. Ул таом мубоҳот жумласидин бўлса, санга худой таоло бир ўгул берур, шариати Нубуввийда мустақим бўлур, агар маҳрамот жумласидин бўлуб, бола туғулса, фисқ фужурдин ўзга иш қилмағай*” [Темурнома, 1990; 44] – дея йўл кўрсатади. Тарағай баҳодир Шайх ул-аъламнинг кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиб, қудуқ ёқасида ўтирганида “*Ногоҳ хонақоҳ эшиги очилиб, яшил кийумлик сўфи дасхурхон ила оёғ илгида келтуруб Амир Тарағай баҳодур олдига қўйди. Баҳодур таваҳҳумда бўлуб, “бу таом маҳрамотдинму ё мубоҳотдинму, қандай бўлғай” деб ёпуқин очиб кўрдиким, тўла сут турур.*

Ўшал сутни ҳаммасин тановвул қилди. Хатни сўфини қўлига берди. Ўзи бир тарафга жўнаб кетти. Орқасидин “Оллоҳи акбар” деб овоз келди. Тарағай баҳодурни тамоми аъзосига ларза тушти” [Темурнома, 1990; 45].

Демак, соҳибқиронлар реал тарихий шахс бўлганлиги сабабли, уларга ҳомийлик қилувчи пир ва эранлар ҳам тарихий шахслар ёки жамиятда муайян рутбага эга инсонлар тимсолида гавдалантирилади. “Темурнома”да соҳибқирон туғилмасдан олдин унинг отасига рижол ул-ғойиблар томонидан илоҳий сут (халқ дostonларида муқаддас сув ёки антаҳур шароби билан туғилажак боланинг руҳини тоблаб, алп сифатида тарбият қилганлари каби) берилиши соҳибқирон отасини ҳам танланган хос кишилар сафига киритишмоқда. Танланган отадан Амир Темур ҳомила топади.

7.2. Амир Темурнинг Рижол ул-Ғойиб ҳузурига бориши ва соҳибқирон сифатида танланиши жангноманинг “*Эмди келдук бу мақолага: аҳволи Соҳибқиронга*” [Темурнома, 1990; 56- 60] фаслида баён қилинади. Хусусан, унда Амир Темурнинг пири Шайх Кулол уни Рижол ул-Ғойиб (Ғойиб Эранлари)

хузурига олиб боради. У ерда соҳибқирон сифатида танланиш учун яна икки йигитни ҳам келтиришади. Қутб ва Ғойиб уларга турли синоатлар кўрсатиб, синов қилади. Сўнги синов – танлашни ногора (борабан) амалга оширади. Бу асарда қуйидагича баён этилади: *“Ровий айтур, ўшал мақомиким риждол ул-ғойиб эрдилар, маълум эмас эрдиким, қайси ердур. Ахир, Қутб айдилар: “бу ушовларинг амирлик давосин қилурсиз. Бу хонақоҳ томи узра давлат нақораси бор, яъни борабони бордур, ҳар қайсиларинг чалиб кўрунлар, кимга овоз ва садо берадур”.* Андин кейин уч тўра хонақоҳ томи узра чиқтилар. Аввал Яман бекбачаси чалгач, садо чиқти, андин кейин султон Мухаммад чалди, овоз бермади. Андин кейин Амир Темур чалиб эрди, овози дилнавоз ун ва садо чиқа бердиким: *“давлат, давлат Амир Темурий”* деб. Таворихларда келтурубдурларким, ўшал кун рубъи маскун овозаи давлати Амир Темурий барча олам қулоқига этиб эрди” [Темурнома, 1990; 59]. Шу тариқа Амир Темур эранлар томонидан танланади ва етти иқлим амирлиги Амир Темурга насиб этади. Шайх Ҳасан Кулол эса жангномада Амир Темур иқболининг эранлар томонидан белгиланишида асосий пир вазифасини ўтаган.

8. Қаҳрамоннинг алпликнинг магик куч-қудратига, жангчилик санъатига, билимга, мўъжизакор хусусиятлар ва белги-нишонларига эга бўлиши. “Темурнома” асарининг Амир Темур билан боғлиқ деярли барча сахналарида қаҳрамоннинг магик куч-қудрати, жангчилик маҳорати, билими, мўъжизакор хусусиятлари ва белги-нишонларига эга бўлиши билими, мўъжизакор хусусияти тасвирланган. Жумладан, асарнинг *“Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон қайсарким Елдириим султон Боязид била жанг қилгонини баёни”* [Темурнома, 1990; 313-316] боби(достон)да соҳибқироннинг Ангурияни фатҳ этиш воқеалари тасвирланган. Бу достонда икки буюк саркарданинг жанги очиб берилган. Боязиднинг оқ филни миниб жанг қилишини эшитган Амир Темур ундан қирқ кун муҳлат сўрайди ва бу вақт ичида у ясама фил ясашиб, уни кўтариб машқ қилади. Қирқ кун вақт ўтгач, икккаласи жанг майдонида юзма-юз келади ва соҳибқирон Қайсар филини кўтариб, уни беш газ ергача кўтариб боради. Сўнгра филни Қайсар билан бирга кўтариб ерга урганда, фил парчаланиб кетади. Қайсар эса жароҳатланиб, Ангуриядан қочиб Истанбулга боради. Асардаги бу воқеалар замирида Амир Темурнинг моҳир жангчи, куч-қудрати чексиз паҳлавон ва мўъжизакор хусусиятлари ёритилган.

9. Қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши. “Темурнома”да соҳибқироннинг эранлардан қурол-аслаҳалар олиши тасвири берилмаган. Соҳибқирон образи асосида реал тарихий шахс туради, алп образи эса халқнинг идеалидаги умумлашма образ сифатида яратилганлиги алплик тизимининг ушбу хоссаси соҳибқиронлик тасаввурларига мос келмаслигига сабаб бўлади.

10. Қаҳрамоннинг алп сифатида бажарадиган вазифаси, ер юзидаги бурчи ва тақдири, ҳаётининг ибтидо-интиҳосини эранлардан билиши. Қаҳрамоннинг соҳибқирон сифатида бажарадиган вазифаси ва тақдири асарнинг *“Эмди келдук бу мақолага: аҳволи Соҳибқиронга”* [Темурнома, 1990; 56-

60] фаслида баён қилинади. Қутб олдида борабан соҳибқироннинг Амир Темур бўлишини танлаб бергач, “Ногоҳ бир тарафдин боғи кўрунуб, андин бир неча гуломлари азрак сурат келиб, борабон чолғучини талаб қилдилар. Ул ики йигит Соҳибқирондин рад қилди. Амир Темур беибо бораберди. Соҳибқиронни қасрига келтурдилар. Етти дарвоза қуфллик, ҳар қуфлини очиб барчадин ичкари кирса-ким, афақ этаги тўла қон, мисли дийдаи ошиқон, гулгун тан, яъни эркак одамларни танаси мрамар тошидин қонлари қуруб, бир курси тарошланган, атрофида яна эркак одамлар каллалари терилгандур. Аксар ушбу каби тошларни Соҳибқирон кўб кўрди. Улуслари ул вақт қолмабдурлар. Бир қизил парда, ўшал уй ўртасига торттилар, муваккиллар айдилар: “ўшал кишиким подшоҳлик даъвосин шул ўриндин ўтқузилгай, деб, сандалига ўлтургил” деди. Амир ўлтурди, ўзини хонақоҳда кўрди. Яна Қутб олдида турар эдилар: “Муборак бўлсун етти иқлимга амирлик. Агар ўз ўғлунг ёзуқду бўлса ўлдурмоққа таваққуф қилмайсан. Бу мисолдур, ўшал табали давлатдур. Ўшул уйким, Зол дунё эрди, кўрдинг минг-минг эрларни бошларин ебдур. Ўшал муваккиллар асбоби подшоҳлигингга керак эрди, буларни барчаси тимсолдур” [Темурнома, 1990; 59-60] – дея қаҳрамонни ғайба подшоҳ сифатида тайинлашади ва унга ҳукмдорлик илмидан сабоқ беришади. Асарда бу воқеани муаллиф шеърӣ мисралар билан янада аниқроқ тасвирлаб беради:

Қутбдин топди назар Соҳибқирон.
 Анинг учун бўлдиким шоҳи жаҳон.
 Ёши ўн иккидин ўтуб ул писар,
 Ғойиб эранлар этиб анга назар.
 Неча санъатни кўруб, бориб келуб,
 Нечасини эшитиб, англаб билуб,
 Минди давлат марқабиға ул сабий,
 Шухрати топтиким Искандар каби [Темурнома, 1990; 60].

Демак, асарда қаҳрамоннинг соҳибқирон сифатида танланганлиги, ўзининг ер юзида бажарадиган вазифалари, бурчи ва тақдирини ғойиб эранларидан уларнинг ҳузурида билганлиги келтирилган.

11. **Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор этиб ўз шерикларидан бирини тайинлашлари (Эранлар Соқибулбулни Гўрўғлига устоз ва Фирқўкка сайис қилиб белгилашади. “Алпомиш”да айни вазифа Қултой образида ўз талқинини олган).** “Темурнома”да қаҳрамонни Шайх Кулол Рижол ул-Ғойиб (Ғойиб Эранлари) ҳузурига олиб боради. Ва у ерда Амир Темур соҳибқирон сифатида танланади. Лекин асарда соҳибқиронга бир неча пирлар устозлик қилади. Шундай бўлса-да, “Темурнома”да Амир Темурнинг асосий пир(устоз)и сифатида Баҳоуддин Накшбанд тасвирланган.

12. **Қаҳрамоннинг ўз ғайриқутби, душман ва рақиби (“дўст”)га эга эканлиги.**

“Темурнома” жангномасидаги воқеалар ривожидида жанг саҳналари етак-

чилик қилгани боис, қаҳрамоннинг ўз ғайрикутби, душман ва рақиблирининг бўлмаслиги мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан асарда соҳибқироннинг ғайрикутби, душман ва рақиблирини икки гуруҳга ажратамиз:

1.1. **Ғоявий рақиб** асарнинг “*Бу достонда Мукно Расуллик даъвосин қилмоқин баёни*” ҳамда “*Бу достонда Амир Соҳибқироннинг Бурҳониддин соҳиб ҳидоятга келмоқи, ул кишини муноқашаларини баёни*” [Темурнома, 1990; 60-72] боб(достон)ларида Амир Темурнинг асосий ғоявий рақиби Носир Хусрав билан боғлиқ воқеалар тасвирланган. Бунда Носир Хусрав пайғамбарлик даъво қилиб, халққа ўзининг диний қарашларини сохта ваҳий билан кўрсатиб, кўплаб оломонни ўз ортидан эргаштиради. Ҳолат шу даражага етадики, ўз тарафдорларидан иборат кўшин йиғиб, Баёнқулихонга қарши майдонга чиқади. Бу жангда ўн тўрт ёшли Амир Темур қаҳрамонлик кўрсатади. Носир Хусрав Амир Темур ва отасини ўз динига мажбурлаб ўтказишга ҳаракат қилади. Амир Темур Носир Хусрав билан ғоявий баҳслашиш учун Самарқанддан ислом дини пешвоси Бурҳониддин соҳибни олиб келади. Бурҳониддин соҳиб баҳсада Носир Хусравни енгади. Амир Темур эса сохта ваҳий сирини (Мукнонинг чинор тагига кириб у ердан овоз бериши) ҳам очиб, Носир Хусравни жисман ҳам йўқ қилади.

Умуман олганда, асарда Амир Темурнинг асосий ғоявий рақиблири ўзларини пайғамбар, Амир Темурни эса Дажжол дея эълон қилишади. Ўзларининг даъвосига ишонтирган оломон воситасида ҳукмронликка интилади. Асарда тасвирланган бу воқеаларни соҳибқироннинг халқ орасида нафақат мазлумлар, балки дин ҳимоячиси сифатида улуғланишининг бадий талқини сифатида баҳолашимиз мумкин.

1.2. **Жанг майдонларидаги рақиб.** “Темурнома”да Амир Темурнинг жанг майдонларида рақиблир билан олиб борган кураши кенг ёритилган. Хусусан, асарда Бароқхон, Дўнбой баҳодур, Амир Хожибек, Оқтемурхон, Шоҳ Мансур, Жаён Чашм, Тўктемурхон, Тўктемур аскарлари Зафарбек, Шоҳ Шужоъ, Муслимбек, Золотус, Оқшайх, Қутулмишбек, Елдириш Боязид, Султон Аҳмад, Ҳалил ота каби образлар соҳибқирон билан жанг майдонларида юзма-юз келади. Бу жараёнда эса соҳибқироннинг мардлиги, моҳир саркарда ва енгилмас жангчи сифатидаги қиёфаси яққол намоён бўлади.

12. **Қаҳрамон куч-қудратининг ҳомий руҳлар (эранларнинг) куч-қудрати билан узвий боғлиқлиги.** “Темурнома”да соҳибқирон фаолияти бевосита пирлар (эранлар, ҳомийлар) билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Муаллиф жангномада соҳибқироннинг устозлари ҳақида: “*Аввал Амир Темур Соҳибқиронни Шайх ул-аълам тарбият қилдилар, иккинчи – шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи – Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи – Нақибанд пирим тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қилгунларича тўрт вали тарбият қилур эрдилар*” [Темурнома, 1990; 95] – дея таъкидлаб ўтади. Жангномада эса соҳибқирон ҳаётининг маълум даврларида унга ҳомий сифатида Шайх Сайфиддин (Шайх ул-аълам), Ҳожа Баҳо ул-Ҳақ вад-дин (Баҳовуддин), Шайх Ҳасан Кулол, Қаландар Ҳожа Камол Хўжандий, Шайх Шамс кулол, Оқсоқол киши (азиз), Қазодин, Ғойиб эранлари, Мавлоно

Саъдиддин, Ҳазрат Саййид ота, Шайх Шукрнинг хонақоҳи олдиға келадиган маст қаландар каби пирлар тасвирланади.

13. Қахрамоннинг ўз алплигини амалда намойиш этиши ва халқ (қавми) томонидан алп (соҳибқирон) сифатида тан олиниси.

Юқорида соҳибқироннинг танланганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни билдирган эдик. Соҳибқирон сифатида танланган қахрамон, албатта, тенг-тўшларидан, атрофдагилардан фарқли хислатга эга бўлиши шарт. “Темурнома” да ҳам соҳибқироннинг ўн икки ёшлигида ўзгача хислатларини намойиш этиши ва халқ томонидан соҳибқирон сифатида тан олиниси ҳолати тасвирланган. Асарда соҳибқироннинг кўрсатган қуйидаги тўртта ғайритабиий хислатлари баён қилинади:

I. Қирқ киши тортадиган қовғани бир ўзи тортиши. Соҳибқирон ўн икки ёшигача Амир Чокудан тарбия олиб, унинг уйида катта бўлади. Амир Чоку барлосда давлатманд ҳисобланиб, кўп мол дунёси ва қирқ кули бор эди. Қирқ кули беҳисоб чорваларга занжирга боғланган катта қовғада қудуқдан сув тортиб берарди. Мирзо Сайфиддин “бир киши бўлса, қудуқдан ёлғиз ўзи шу қовғада сув олса?!” – деганда Амир Темурнинг ғайрати келиб, қудуқдаги занжирни ушлаб тортади. Ёлғиз ўзи қудуқдан қовғада бир неча бор сув олиб, одамларга, сўнгра охурга қуяди. Мирзо Сайфиддин эса унинг куч-қудрагига тан бериб, “Эй қариндош, мени ўзингга вазир қилгайсан” дейди. Амир Темур “Мен подшоҳ эмасман, сени вазир қилсам” деганда “Ният қилган эрдим, агар қариндошим қудуқдан қовғани тортиб олса, подшоҳ бўлади деб, ниятим амалга ошди” дейди. Амир Темур “мен подшоҳ бўлсам, сени вазир қиламан” – деб аҳд қилади.

II. Бир қўли билан тўла аробани кўтариши. Амир Темур ёшлигида болалар билан ўйнаб юрганида ўзи амир бўлиб, бошқа болаларни вазир, навқар қиларди. Бир куни кимдир унга “Або Муслим қассобни сихлик қанорасин бир бармоғи-ла отиб юборибдур, китобда кўрдум», деганда, бу ишни ўзи ҳам бажара олишини айтади. Шу пайт қассоб қанорасини келтирадилар, соҳибқирон уни бир бармоқ билан отиб юборади. Сўнгра яна бир жойда юк билан тўла аравани кўтаради. Бу воқеани эшитиб, ҳайрон бўлган Амир Чоку “бу ўғул магар Жаҳонгирдур” дея унга таҳсин ўқийди.

III. Аждар бошини тиши билан юлиб олиши. Тарағай баҳодир ўғлини қидириб, Занжир Сара мавзёидаги қудуқ ёнига келганда, Амир Темур қирқ қовға сувни қудуқдан тортиб олиб, чарчаб уйкуга кетган эди. Шу пайт бир аждар-илон келиб Амир Темурнинг кўкрагига чиқиб, чакмоқчи бўлади. Буни кўрган Тарағай баҳодир нима қилишини билмай турганда Амир Темур кўзин очиб, кўксидаги аждар-илоннинг калласини тишлаб ташлайди. Ўз ўғлини танимаган Тарағай баҳодир унинг ботирлигига тан беради.

IV. Қўтур уйуз бўлиб, етти йилгача ўзини қашимаганлиги. Асарда тўртинчи ҳолат муфассал баён этилмайди. Фақатгина Амир Темур ёшлигида қўтур уйуз бўлуб, етти йилгача ўзини қашламаганлиги таъкидланади. Бу ҳам юқоридаги уч қахрамонликлар сингари баҳоланади.

Демак, асарда баён этилган юқоридаги тўрт ҳолат қахрамоннинг ўз

соҳибқиронлик сифатларини амалда намойиш этиши ва одамлар томонидан тан олинishi жараёнини кўрсатиб берган.

14. **Алпнинг ўз атрофига ғайратли, шижоатли ҳамкорларни йиғиши.** “Темурнома”да қаҳрамон катта худудни ўз ичига олган йирик мамлакатни ғайратли, шижоатли ва мард ҳамкорлар билан биргаликда барпо этади. Асар воқелигида кўплаб қаҳрамонлар иштирок этса-да, бу жараёнда Амир Темурга асосан Қиморбоз Инок ва Қилич Арслон ҳамроҳлик қилади. Шунингдек, асарда соҳибқирон фарзандлари ва набиралари асосий ҳамкор сифатида тасвирланади.

15. **Алпнинг ўз юртида янги салтанатга асос солиши.** “Темурнома”нинг *“Бу дostonда Носир Хусравни ўғли Мансур исмли Қошғар ичра пайгамбарлик даъвосини қилуб, Мирзо Жаҳонгир ибн Амир Темур онинг бирла жанг қилгонини баёни”* бобида (дostonида) Соҳибқироннинг Мовароуннахрга валий бўлиши тасвирланган. Шундан сўнг соҳибқирон кўплаб мамлакатларни фатҳ этиб, буюк империяга асос солади.

16. **Қаҳрамоннинг янгича ном олган салтанат камолига хизмат қилиши. Бу салтанат доврўғининг оламга машҳур бўлиши.** “Темурнома”да Амир Темур ўз юртини мустамлакалик тамғасидан озод қилиб, янги давлат барпо этади. Шу билан бирга, шимолда шимолий кутбдан Ҳиндистонгача, япон ерларидан Истанбулгача бўлган худудда Амир Темур доврўғ қозонади, у ҳақда дostonлар тўқилади.

17. **Қаҳрамоннинг умри поёнида эран мақомига эришуви ва эранлар маконига қайтиши (кетиши).**

Асарда Соҳибқирон Амир Темур характерида эранлар тарбияси ва ҳаёт тажрибаси натижасида донишмандлик акс эттирилган. Аммо — у тарихий шахс бўлгани боис, эранлар маконига қайтмасдан вафот этади.

18. **Қаҳрамоннинг халқ анъанавий тасаввурида инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуғлик ёшига етиши (Гўрўғли 120 ёшга қиради. Алпомиш эса 108 йил яшайди. Ҳар икки рақам ҳам инсон умрининг анъанавий бир бутун ҳалқасини рамзий ифодалаши).**

Амир Темур тарихий реал шахс бўлганлиги сабабли, асарда халқ анъанавий тасаввуридаги инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуғлик ёшига етиши хусусиятлари акс эттирилмаган.

“Темурнома”да соҳибқирон отига урғу берилмайди. Шу боис алплик тизимидаги бу хосса соҳибқиронлик тасаввурларида ўз аксини топмаган. Авлодлар томонидан соҳибқирон ҳақидаги дostonларга эса тадқиқот объектими “Темурнома”нинг ўзи ҳам мисол бўла олади.

ХУЛОСА

Эпик бадиий талқиндаги алплик тизими ва ҳаётий тарихий воқеликда рўй берувчи соҳибқиронлик тасаввурлари икки кесимдаги ҳодисадек туюлса-да, улар ўртасида ҳайратланарли даражада умумийлик бор. Бу умумийлик соҳибқиронлар ҳаётининг ҳам алплик тизими яратилишида манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Янада аниқ айтилса, соҳибқиронлар тарихий

шасхлар сифатида тарих фанига ҳам манбаа бўлишса, алплар халқ бадий тафаккурининг меваси, идеал, ибратли қаҳрамон деб англанади. Қаҳрамонлик дostonларида алплик тизими энг муҳим жиҳат бўлгани каби, соҳибқиронлик тасавурлари ҳам халқ китобларининг асосини ташкил қилади. Демак, алплик тизими ва соҳибқиронлик тасавурлари моҳияти уйғунлиги, уларнинг фолклорий асосда тасвирланиши “Темурнома”нинг яратилишида эпик тасавурлар асос бўлганлигини англатади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbek folklorshunosligi. Antologiya // Turdimov Sh. Qahramonlik eposida alplik tizimi. –Toshkent: “O‘zME” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017.
2. Temurnoma. Amir Temur jangnomasi. –Toshkent: Cho‘lpon, 1990.
3. Saidov M. O‘zbek xalq dostonchiligida badiiy mahorat masalalari. –Toshkent, 1969.
4. Sarimsoqov B. O‘zbek adabiyotida saj’. –Toshkent: “Fan”, 1978.
5. O‘zbek folklorshunosligi masalalari / Ilmiy to‘plam. –Toshkent: Fan, 2010.

REFERENCES

1. Uzbek folklore. Anthology // Turdimov Sh. In the heroic epic, the system of the alplik. –Tashkent: State Scientific Publishing House “O‘zME”, 2017.
2. Timurname. Amir Timur battle. –Tashkent: Chulpon, 1990.
3. Saidov M. Issues of artistic skill in Uzbek folk friendship. –Tashkent, 1969.
4. Sarimsoqov B. Saj in Uzbek literature. –Tashkent: Science, 1978.
5. Issues of Uzbek folklore / scientific collection. –Tashkent: Science, 2010.